

**Молия вазирлиги хузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси  
маблағлари ҳисобидан таълим кредити бериш тўғрисида [●]-сонли  
КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ**

[●] йил [●][●]

Тошкент шаҳри

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки, бундан буён шартнома матнида “Банк” деб юритилувчи номидан Низом ва Бош ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Банкнинг [●] филиали бошқарувчиси [●] бир томондан, бундан буён матнда “Кредит олувчи” деб юритилувчи [●](паспорт маълумотлари: [●], [●] йилда [●] томонидан берилган) иккинчи томондан ҳамда бундан буён матнда “Биргаликда кредит олувчи” деб юритилувчи [●](паспорт маълумотлари: [●], [●] йилда [●] томонидан берилган) учинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА КРЕДИТ АЖРАТИШ ШАРТЛАРИ**

1.1. Банк Кредит олувчига, Кредит олувчи ва [●] ўртасида [●] йил [●][●]да имзоланган [●]-сонли олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида шартномага (кейинги ўринларда – “Тўлов-контракти”) асосан 20[●]-20[●] ўқув йили учун мўлжалланган тўлов-контракт суммаси тўловларини амалга ошириш учун ушбу шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда, Молия вазирлиги хузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит ажратиш, Кредит олувчи эса олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва шартлар асосида тўлаш мажбуриятини олади.

Биргаликда кредит олувчи Кредит олувчининг мазкур шартномага мувофиқ кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаши ҳамда бошқа мажбуриятлари бажарилиши юзасидан солидар жавобгарликни ўз зиммасига олади.

1.2. Банк Кредит олувчига қуйидаги шартлар асосида кредит ажратади:

- **кредит суммаси:** [●] ([●]) сўм;
- **кредитдан фойдаланиш муддати:** [●] ой;
- **имтиезли давр:** [●] ой;

• **кредитнинг фоизи:** Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида. Бунда Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасаяди, Марказий банкнинг асосий ставкаси оширилган тақдирда эса таълим кредити бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолади.

• **кредитнинг мақсади ва объекти:** [●]нинг таълим олиши учун Тўлов-контрактини молиялаштириш. Кредит Кредит олувчининг ссуда ҳисобварағидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида Тўлов-контракти ёки ҳисоб-фактурасида кўрсатиб ўтилган олий таълим ташкилотининг ҳисобварағига маблағ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

• **кредит маблағларини ўтказиб бериш тартиби:** кредит Тўлов-контракти шартларига мувофиқ ўқув йили мобайнида ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини белгиланган тартибда, тенг улушларда тўрт қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда: Кредит олувчининг ёзма топшириғи ва олий таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган мос давр учун Тўлов-контрактда белгиланган тўлов миқдорининг камида 25 фоизи талабаликка тавсия этилган абитуриентлар учун ҳар йили 15 сентябргача ёки Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатгача ҳамда иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалари учун - ҳар йили 1 октябргача, белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи - ҳар йили 1 январгача, 75 фоизи - ҳар йили 1 апрелгача ва 100 фоизи - ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда ўтказиб берилади. Кредит олувчи тегишли тўловни амалга ошириш учун Банкка юқорида кўрсатилган мос саналарга қадар мурожаат қилиш лозим. Кредит олувчининг ёзма аризасига асосан Тўлов-контрактда назарда тутилган ҳолларда ўқишнинг ярим йил ёки тўлиқ бир йил учун тўлов суммасини бирийўла амалга ошириши мумкин.

1.3. Кредит бўйича муддати ўтган фоиз қарздорлиги мавжуд бўлса ёки Кредит тўловларининг муддати мунтазам равишда ўтказиб (кечиктирилиб) келинган бўлса, Банк Тўлов-контрактининг навбатдаги қисмини молиялаштиришни, шунингдек, кейинги йиллар учун таълим кредитини ажратишни рад этади.

**II. КРЕДИТ ОЛУВЧИ (БИРГАЛИКДА КРЕДИТ ОЛУВЧИ)НИНГ ТАСДИҚНОМАСИ**

2.1. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) ушбу билан қуйидагиларни маълум қилади ва тасдиқлайди:

- Банкка тақдим этилган (этиладиган) кредитни расмийлаштириш ва олиш учун ҳужжатлар ва маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санада ҳақиқий ва ишончли ҳисобланишини;

- Кредит олувчига нисбатан фуқаролик, маъмурий ёки жиноят иши қўзғатилмаганлигини;
- агар Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) тўловларни амалга оширишга ёки ушбу шартномада белгиланган талаблардан исталганини бажаришга қодир бўлмаса, Банкнинг кредитни муддатидан олдин қайтаришни ва кредитга ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва бошқа тўловларнинг муддатидан олдин тўланишини талаб қилишга, ундирувни кредит таъминоти сифатида қабул қилинган ҳар қандай турдаги мол-мулкларга, уларни Банк билан келишилган нархларда реализация қилишга, муддатида тўланмаган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг банкларда очилган барча турдаги ҳисобварақларидаги, шу жумладан, унинг депозит ва банк картаси ҳисобварақларидаги пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқаришга ҳақли эканлигини тан олишини ва бунга эътироз билдирмаслигини;

- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг банк карта ҳисобварақлари Банкнинг автотўлов хизматига уланишига рози эканлигини ва ушбу хизмат орқали Банк томонидан кредитнинг тўлов муддати келган қисми ва унга ҳисоблаган фоизларни қоплаш учун етарли бўлган маблағлар Кредит олувчининг банк карта ҳисобварақларидан қўшимча огоҳлантиришларсиз автоматик тарзда ҳисобдан чиқарилиши тушунтирилганлигини;

- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг ушбу шартномага, Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик келтириб чиқариши ҳақида огоҳлантирилганлигини;

- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) ўзи ҳақидаги ва унга Банк томонидан ажратилаётган кредит тўғрисидаги маълумотларни “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш департаментига” (КАДР), “Кредит ахборотлари таҳлил маркази” (КАТМ) Кредит бюроси МЧЖга ҳамда гаровга унинг тақдим этилган объектлар тўғрисидаги маълумотларни “Гаров реестри” ДУКга тақдим этилишига розилигини.

### **III. КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ ВА КРЕДИТ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни босқичма-босқич ўз санаси ва суммаси доирасида амалга ошириш йўли билан тўлаб боради.

3.2. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) томонидан тўланган тўловлар қуйидаги тартибда кредит қарздорлигини қоплашга йўналтирилади:

- а) кредит шартномасига асосан ҳисобланган неустойкалар;
- б) кредит бўйича тўлов муддати ўтган фоизлар;
- в) кредит бўйича тўлов муддати ўтган асосий қарз;
- г) кредит бўйича тўлов муддати келган фоизлар;
- д) кредит бўйича тўлов муддати келган асосий қарз.

3.3. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) кредитни ушбу шартномада белгиланган муддатлардан олдин қайтаришга ҳақли.

3.4. Банк ушбу шартноманинг 3.1-бандига мувофиқ тўлов муддати келган, лекин тўланмаган кредитни, кредитга ҳисобланган фоиз ва неустойкаларни Банкнинг автотўлов хизмати орқали Кредит олувчининг (Биргаликда кредит олувчи) банк карта ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ечиб олади.

3.5. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) ушбу шартнома ва у билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, рўйхатга олиш билан боғлиқ барча харажатларни Банкнинг биринчи талабига кўра тўлаб беради.

### **IV. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР**

4.1. Мазкур шартнома асосида ажратиладиган кредит куйидаги таъминот(лар) билан таъминланади: [•].

4.2. Банк Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)дан кредит қайтарилишининг қўшимча таъминотини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.3. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) кредитни таъминлашни кредит суммасининг камида 125 фоизи даражасида тутиш мажбуриятини олади.

4.4. Кредитнинг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар (битим, шартномалар) ушбу шартнома билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади ва мазкур шартнома бўйича Кредит олувчи томонидан олинган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

4.5. Кредит таъминоти бўйича ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш билан боғлиқ ҳар қандай харажатларни Кредит олувчи ўз зиммасига олади.

## **V. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **5.1. Банкнинг ҳуқуқлари:**

5.1.1. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг молиявий ҳолатини назорат қилиб туриш;

5.1.2. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)дан мажбуриятларни бажаришда назоратни амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни сўраб олиш;

5.1.3. Кредит ва кредит таъминоти мониторингини ўтказиш;

5.1.4. Кредит бўйича муддати ўтган фоиз қарздорлиги мавжуд бўлса ёки Кредит тўловларининг муддати мунтазам равишда ўтказиб (кечиктирилиб) келинган бўлса, шунингдек, Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) кредитни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса, шартнома имзолангандан кейин тақдим этилган кредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланса, Тўлов-контрактининг навбатдаги қисмини молиялаштиришни, шунингдек, кейинги йиллар учун таълим кредитини ажратишни рад этиш;

5.1.5. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг Банкка қўшимча харажатлар юқловчи топшириқларини, Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) томонидан ушбу қўшимча харажатларнинг ўрни қопланмагунига қадар бажармаслик;

5.1.6. Банк ажратилган кредитнинг муддати келган қисмини, кредитга ҳисобланган фоиз ва неустойкаларни Банкнинг автотўлов хизмати орқали Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) банк карта ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ечиб олиш;

5.1.7. Кредитнинг асосий қарзи ва фоизларини ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўланмаганида, шунингдек, Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланганда, ажратилган кредит турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган ҳолларда, Кредитни муддатидан олдин ундириб олиш ва ундирувни кредит таъминотига қаратиш;

5.1.8. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) ҳақидаги маълумотларни “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш департаментига” (КАДР), “Кредит ахборотлари таҳлил маркази” (КАТМ) Кредит бюроси МЧЖга ҳамда гаровга унинг тақдим этилган объектлар тўғрисидаги маълумотларни “Гаров реестри” ДУКга тақдим этиш;

5.1.9. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

5.2. Банк ўз хоҳишига кўра ушбу шартнома бўйича ўзида Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)га нисбатан мавжуд бўлган ҳуқуқлардан исталганини қўллаши ёхуд қўлламаслиги мумкин. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларни қўлламаслик ёхуд қисман қўллаш ушбу ҳуқуқлардан воз кечилишини билдирмайди ва улар келгусида исталган вақтда қўлланилиши мумкин.

### **5.3. Банкнинг мажбуриятлари:**

5.3.1. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) томонидан барча зарур шартлар бажарилгач, кредит маблағларини Кредит олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси)га асосан ажратиш.

5.3.2. Кредит олувчининг кредит тўловларининг ўзгариши, кредитни ажратишни тўхтатилиши ёки рад қилиниши, кредитни муддатидан олдин ундирилиши ва ундирувни кредит таъминотига қаратилиши сабаблари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

5.3.3. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **5.4. Кредит олувчининг ҳуқуқлари:**

5.4.1. Банкни олдиндан (5 кун ичида) хабардор қилиб, кредитни олишдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш;

5.4.2. Берилган кредит бўйича қарзларни муддатидан олдин тўлаш;

5.4.3. Кредит ҳисоб-китоби бўйича Банкдан маълумот олиш;

5.4.4. Кредит олувчи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **5.5. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг мажбуриятлари:**

5.5.1. Кредитни ва у бўйича ҳисобланган фоизларни ушбу шартнома шартларига ҳамда тўлов жадвалига мувофиқ муддатида тўлаб бориш;

5.5.2. Кредитлашнинг таъминланганлик, муддатлилик, қайтарилувчанлик ва тўланувчанлик тамойилларига қатъий амал қилиш;

5.5.3. Банк талабига биноан ушбу шартнома амал қиладиган бутун давр мобайнида, Банкни қониқтирадиган шакл ва мазмун бўйича Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг даромадлари тўғрисидаги ахборотни ва ушбу кредитга тегишли бўлган бошқа маълумот ва ҳужжатларни Банкка тақдим этиш;

5.5.4. Почта ва электрон манзили, телефон рақами, иш жойи, фамилияси ёки исмидаги ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган бошқа ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида Банкни 5 (беш) банк куни мобайнида хабардор қилиш;

5.5.5. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши мазкур шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

6.2. Асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредитга), Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) Банкка бутун кечиктирилган давр учун шартномада белгиланган фоизнинг 1,5 баравари миқдорида юқори фоиз тўлайди.

6.3. Фоизларни белгиланган муддатларда тўламаганлиги ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 15 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Кредит ўз вақтида ажратилмаганда (белгиланган тартибда ёзма ариза (топшириқнома) тақдим этилгандан сўнг) Банк Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)га кечиктирилган кредитнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган кредит суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида неустойкаларнинг ундирилиши (тўланиши) Томонларни ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, Томонлар олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулоддаги ҳодисалар натижасида вужудга келган, энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари ҳисобланса, томонлар жавобгарликдан озод этилади, хусусан: ёнғин, табиий офат ва ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи, томонларга тааллуқли бўлмаган бошқа ҳодисалар форс-мажор ҳолатлари ҳисобланади.

7.2. Мазкур шартноманинг 7.1-бандида кўрсатилган энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига тушган томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда 2 (икки) кун ичида хабардор қилиши ва тугаганлиги тўғрисида ҳам иккинчи томонга маълум қилиши шарт.

7.3. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари содир бўлган тақдирда, шартноманинг амал қилиш муддати шундай ҳолатлар ва унинг оқибатлари бутун даврга тенг муддатга узайтирилади.

### **VIII. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ**

8.1. Ушбу бандда қайд этилган ходисалардан исталгани рўй бериши Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолатлари ҳисобланади:

- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) кредит, унга ҳисобланган фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар ушбу шартномада (шартноманинг ажралмас қисми бўлган тўловлар жадвалида) белгиланган санада амалга оширилмаганлиги;
- Банкни атайлаб ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар тақдим этган ҳолда чалғитиш;
- Банкнинг кредитни таъминлаш тўғрисидаги талаби бажарилмаслиги;
- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) тўлов қобилиятининг ёмонлашганлиги ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ маълумотларнинг яширилганлиги;
- ушбу шартнома шартлари ва унда назарда тутилган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги;
- ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар шартларининг (гаров, кафиллик ва ҳ.к.) бузилиши.

8.2. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келган тақдирда, Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга ошириши мумкин:

- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)га мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келганлиги ва уни бартараф этиш учун муддатни белгилаган ҳолда ёзма билдиришнома (эътироз хати) юбориш;
- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) томонидан мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганда унинг банкдаги барча ҳисобварақларидан (депозит, банк картаси ва ҳ.к.) кредит бўйича мавжуд қарздорликни қоплашга етадиган пул маблағларини ечиб олиш;
- кредитни қайтариш жадвалида белгиланган тўловлар кечиктирилган ёки тўланмаган тақдирда, Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг иш жойига кредит тўловларини ойлик иш ҳақидан тўлаб бориш юзасидан мурожаат қилиш;
- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини кўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;
- кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини ушбу шартноманинг 8.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар юз берганда, белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;
- кредит бўйича барча қарздорликларни кредит таъминоти юзасидан тузилган шартномаларда (гаров, кафиллик ва ҳ.к.) белгиланган тартибда таъминотга қаратган ҳолда ундириш.

## **IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

9.1. Томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар ва/ёки ушбу шартномада назарда тутилмаган низоли вазиятлар юзага келган тақдирда, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда барча келишмовчиликларни музоқара йўли билан ҳал этадилар.

9.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликлар музоқара йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Банкнинг ушбу шартнома асосида кредит ажратган филиали жойлашган ҳудуддаги судга мурожаат қилиш орқали ҳал этилади (Шартнома бўйича судловга тегишлилик).

9.3. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) томонидан кредит маблағларини қайтариш муддатларига риоя қилинмаган тақдирда ҳамда ушбу шартноманинг 8-бўлимида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганида Банк ўз ихтиёрига кўра кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан аввал ундириш тўғрисида:

- а) ижро хати ёзишни сўраб нотариусга;
- б) ҳал қилув қарори чиқаришни сўраб ушбу шартноманинг 9.2-бандига мувофиқ судга мурожаат қилиши мумкин.

## **X. ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

10.1. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) ушбу шартномани имзолаш орқали Банкка Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг шахсига оид маълумотларга ишлов беришга ўз розилигини беради.

10.2. Банк Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг шахсига оид маълумотларига куйидаги мақсадларда ишлов беради ва ишлов бериши мумкин:

- ушбу шартнома бўйича Банкнинг ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини ижро қилишда;

- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) ҳуқуқ ва мажбуриятларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлашда;

- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) тўғрисидаги кредит ахборотини олишда;

- Банкка кредит ресурсларини тақдим қилувчи томонидан талаб қилган маълумотларни тақдим қилишда (кредит жалб қилинган ресурслар ҳисобидан амалга оширилган тақдирда);

- кредит таъминотига оид битимларни расмийлаштириш учун нотариус, суғурта компаниялари, гаров реестри, кадастр ва ички ишлар идораларига мурожаат қилишда;

- муайян банк хизматининг самарадорлигини баҳолаш учун маркетинг изланишларини ўтказиш, таҳлилий ёки статистик маълумотларни тайёрлаш ва умумлаштиришда;

- Банк бошқарув органлари, назорат органлари, аудитор ёки потенциал инвесторлар учун Банкнинг фаолияти ва молиявий ҳолатига оид ҳисоботларни тайёрлашда;

- Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) ҳақидаги маълумотларни верификация қилиш, шу жумладан, фирибгарлик ҳолатларига йўл қўйилмаслиги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида;

- давлат идоралари ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга муддати ўтган кредит қарздорликларини ундириш учун мурожаат қилишда;

- янги банк хизматларини таклиф этиш мақсадида;

- юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун шахсга оид маълумотлар акс этган ҳужжатларни маълумот алмашилиши учун алоқа (почта) хизмати кўрсатувчи ташкилотларга тақдим қилиш, электрон ахборот алмашилиши дастурлари базаларига жойлаштиришда.

10.3. Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) ушбу шартномани имзолаш орқали Банкка Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг шахсига оид маълумотларга ишлов беришга берган розилиги ушбу шартноманинг 11.5-бандига мувофиқ мазкур шартномага қўшимча келишув тузиш орқали чақириб олинishi мумкин.

## **XI. БОШҚА ШАРТЛАР**

11.1. Ушбу шартнома Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)нинг учинчи шахслар билан тузган ҳар қандай турдаги шартномалари (битимлари)дан юридик жиҳатдан мустақил бўлиб, Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) учинчи шахслар билан тузган шартномалари (битимлари) қоидаларига асосланиб Банкка эътироз билдирмайди.

11.2. Ҳар бир томон ушбу шартнома предмети ва шартларига боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини сақлайдилар. Ушбу маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра тегишли органларга берилиши бундан мустасно.

11.3. Ушбу шартнома Томонлар ўртасида имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

11.4. Мазкур шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш томонларнинг келишувига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

11.5. Ушбу шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда имзолаган қўшимча келишувлар тарзида расмийлаштирилади. Мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартлари бир-бирига зид бўлган тақдирда, қўшимча келишув шартлари амал қилади.

11.6. Банк ушбу шартнома доирасидаги ҳар қандай хабарнома, огоҳлантириш ёки талабномани ўз ихтиёрига кўра Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) томонидан ушбу шартноманинг 12-бўлимида кўрсатилган почта манзилига буюртма хат кўринишида, телефон рақамига СМС-хабар кўринишида ёки электрон манзилига электрон хабар кўринишида юбориши мумкин.

Хабарнома, огоҳлантириш ёки талабномани ушбу бандда кўрсатилган усулларнинг фақат биттасидан фойдаланган ҳолда юборилиши Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи) ушбу хабарнома, огоҳлантириш ёки талабнома лозим даражада етказилган деб ҳисоблаш учун кифоя.

11.7. Мазкур шартнома ўзбек тилида томонлардан ҳар бири учун, бир хил юридик кучга эга бўлган 3 (уч) нусхада тузилган.

## **XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ**

Банк: [•] филиали  
Манзил: [•]  
телефон (факс): [•]  
Х/р: [•] ИНН: [•] МФО: [•]

Филиал бошқарувчиси: [•]

Бош бухгалтер: [•]

Кредит олувчи: [•]  
Паспорт маълумотлари: [•], [•] йилда [•] томонидан берилган  
Почта манзили: [•]  
электрон манзил: [•]  
банк картаси рақами [•] амал қилиш муддати [•]  
СМС-хабарнома хизмати уланган телефон рақами [•]

Биргаликда кредит олувчи: [•]  
Паспорт маълумотлари: [•], [•] йилда [•] томонидан берилган  
Почта манзили: [•]  
электрон манзил: [•]  
банк картаси рақами [•] амал қилиш муддати [•]  
СМС-хабарнома хизмати уланган телефон рақами [•]

Ушбу шартномани ўқиб чиқдим, ушбу шартноманинг сўзлари, бўлимлари ва бандларининг маъноси, мазмуни ва аҳамияти менга тушунарли, барча реквизитлар тўғри киритилган, шу муносабат билан ушбу шартномани имзолайман ва унинг шартларини ва унда ўзимга юклатилган мажбуриятларни сўзсиз ижро этиш учун қабул қиламан.

---

*(Кредит олувчининг Ф.И.Ш. тўлиқ, ўз қўли билан ёзилади) (имзо)*

---

*(Биргаликда олувчининг Ф.И.Ш. тўлиқ, ўз қўли билан ёзилади) (имзо)*